



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 29 апрель, № 89 (7869)

Пайшанба



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида

Аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этиш, эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда кулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадида:

1. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган, қўйидагиларни ўз ичига олувчи 2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича Давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) маъқуллансин:

а) 2021 йилда 457 127 та доимий янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича прогноз кўрсаткичлари, шу жумладан:

2021 йилда доимий янги иш ўринларини ташкил этишнинг йўғма прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

2021 йилда тармоқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига яратиладиган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари 1.1-иловага мувофиқ;

2021 йилда худудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва янги кичик ҳорхона, микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига яратиладиган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари 1.2-иловага мувофиқ;

2021 йилда яқка тартибдаги тадбиркорликни ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига яратиладиган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари 1.3-иловага мувофиқ;

б) 2021 йилда меҳнат органлари томонидан 513 575 нафар фуқаро бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг прогноз кўрсаткичлари, шу жумладан:

2021 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг умумий прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

2021 йилда ишсизларни бўш ва захира иш ўринларига ишга жойлаштириш прогноз кўрсаткичлари 2.1-иловага мувофиқ;

2. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2021 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш учун қўйидаги миқдорларда субсидия, нафақалар ва микрокредитлар ажратиш прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

субсидиялар ажратиш учун — 92,3 миллиард сўм;

ишсизлик нафақалари тўлаб бериш учун — 65,1 миллиард сўм;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш харажатларини қоплаш учун — 40,6 миллиард сўм;

янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банкларига ажратиладиган ресурслар учун — 125 миллиард сўм.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ҳафта мuddатда:

Давлат дастури доирасидаги прогноз кўрсаткичларини туман (шаҳар)лар ва секторлар бўйича ойлар ва чораклар кесимида ишлаб чиқиш, уларнинг халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларида муҳокамадан ўтказилишини;

Давлат дастури доирасидаги 2021 йилга мўлжалланган лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш, худудий мутасадди ташкилот ва идоралар томонидан тасдиқланишини;

2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш тўғрисидаги худудий (манзилли) дастур тўғрисида қарор қабул қилинишини таъминласин.

4. Давлат дастурини ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан қўйидаги идоралар раҳбарлари тегишли йўналишлар бўйича масъул аҳоли бандлигига кўмаклашиш:

Бош вазир ўринбосари С.У.Умурзаков, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.В.Воитов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К.Абдуназаров) — тармоқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва 34 881 та иш ўрни яратишга;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (О.Б.Рустамов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М.Холхўжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари — худудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва 206 098 та иш ўрни яратишга;

Бош вазир ўринбосари Б.М.Мусаев, Мактаб-гана таълим вазирлиги (А.В.Шин), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов), Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги (А.Х.Тошқулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Ҳаджибаев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М.Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари — ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш ва 6 641 та иш ўрни яратишга;

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўқоров, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М.Холхўжаев), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудибоев), Савдо-саноат палатаси (А.И.Икрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари — юридик шахс ташкил этган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринларини ташкил этиш ва 121 038 та иш ўрни яратишга;

Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудибоев), Савдо-саноат палатаси (А.И.Икрамов), Давлат хизматлари агентлиги (У.И.Муҳаммадиев), Молия вазирлиги (Д.Ш.Султонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда яқка тартибдаги тадбиркорликни, шу жумладан, хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринларини ташкил этиш ва 88 469 та иш ўрни яратишга;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) — меҳнат органлари томонидан 513 575 нафар фуқаро бандлигига кўмаклашишга;

(Давоми 2-бетда).



Учрашув

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) директори Маттео Мекаччи бошчилигидаги делегация Ўзбекистонда бўлиб турибди.

Ташриф доирасида кеча делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Зайниддин Низоомжўаев билан учрашди. Унда томонлар 2019 йилги парламент сайловлари якунлари бўйича ДИИХБ тавсияларини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш масалаларини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, яқиний ҳисоботда ўз ифодасини топан тавсияларни таҳлил этиш, ўз вақтида умумлаштириш, сайлов қонунчилигида ва амалиётда қўллаш, шунингдек, миллий қонунчиликка тегишли

тавсияларни имплементация қилишни таъминлаш бўйича қатор ташкилий ҳамда амалий чора-тадбирлар кўрилган.

Шу йилнинг 8 февралда Президент томонидан "Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг имзоланиши Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюронинг тавсияларини амалга ошириш борасида қўрилган муҳим ишлардан бири бўлди.



ТЎРТ ТОМОНЛАМА МЕМОРАНДУМ КУТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мамлакатимизга ташриф буюрган ЕХХТ ДИИХБ директори Маттео Мекаччининг Олий Мажлиснинг ЕХХТ ПАдаги доимий делегацияси аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда ЕХХТ ПА доирасида ўзаро ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари, алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, қонунчилик жараёнини такомиллаштириш ҳамда парламент назоратини амалга оширишда илгор халқро тажрибани ўрганиш соҳасида ЕХХТ ДИИХБ билан шерикликни чуқурлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар 2018 йилда имзоланган Олий Мажлис палаталари, ЕХХТ ДИИХБ ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ўртасидаги ўзаро англашув тўғрисидаги тўрт томонлама меморандум қондаларини амалга ошириш масаласини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ЕХХТ ПА хузуридаги доимий делегацияси аъзолари Ассамблея доирасидаги долзарб вази-

фалари ва иш режалари тўғрисида маълумот берди.

Ўз навбатида, М. Мекаччи сайловларни кузатиш миссияларини ташкил этиш масалаларида ЕХХТ ПА ва ЕХХТ ДИИХБ ўртасидаги яқин мувофиқлашувни қайд этди ҳамда Ўзбекистонга демократик ислохотларни амалга оширишга ва фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашишга, шунингдек, ЕХХТ тузилмаларида республика парламенти фаолиятини қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди.

Учрашувда томонлар тизимли мулоқот ва фаол алоқаларни ривожлантиришга, шу жумладан, ЕХХТ ПА доирасида ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда жамият ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари қизғин ва батафсил кўриб чиқилди. Муҳокамаларда асосий эътибор ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётимизда нечоғли аҳамиятга эгаллигига, унинг зарурати ҳамда аҳамиятига қаратилди.

Давлат божи тўлашда энгилликлар берилмоқда

Депутатлар "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда модала-модала атрофича муҳокама қилди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонунда фуқаролар томонидан ўзбошимча қўрилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъво билан фуқаролик ишлари бўйича суд-



ларга давлат органлари муурожаат қилганда улар давлат божидан озод қилинади. Бироқ тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзбошимчилик билан қўрилган иморатларни бузишга оид даъволар бўйича иқтисодий судларга муурожаат этганда давлат божи тўланади. Мазкур қонун лойиҳаси билан эса давлат божини тўлашдан озод қилиш меъёри киритилди.

Шунингдек, қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан, майши тусдаги офатлар (турар, нотураржой-



Сунъий говнинг асоратлари

"Қуш ҳам бесўроқ учиб ўтолмайди", деган таъриф чегараларимиз мустаҳкамлигига берилган сифатига эмас, балки яқин-яқингача Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон сарҳадларидан ўтиш нақадар мураккаб жараён бўлганини аналтилади. Гувоҳи бўлганимиз, чегарачилар худди жосусни тугтандай, йўл

халталарингиздан тортиб уст-бошингизгача шу қадр чигириндан ўтказишар эдики, сал шубҳали туюлган шахслар сотлаб алоҳида хоналарда сўроғу қистовларга олинар эди...

Давлатлараро иқтисодий алоқалар тақдирини ҳам худди шундай кечган. Уртадаги қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги халқаро шартнома муносабатларини ўрнатишга муваффақ бўлди.



Хотира бор экан — миллат барҳаёт

ЁСТИҚ ОСТИДАГИ ГАЗЕТА

Ғиждувон туманидаги "Хавзак"

махалла фуқаролар йиғини Дарсозлар қишлоғида яшаган Карим Ашуровнинг болалиги оғир кечди. Беш ёшида отасидан ажралгач, бир бурда нон илчиқда даладан бери келмади. Ёзда ялангоёқ юрди, қишда оёғига буз уради...

Ўнлаб ўспиринлар катори 1944 йилда у ҳам фронтга отланди. Уруш даҳшатларини бошидан ўтказди. Пешонасида ёзилган экан, тақдир инояти билан омон қайтди. Кейин уйланди, уйли-жойли бўлди. Турмуш ўртоғи Бибиражаб ая билан беш фарзандни воғага етказиб, энга қўшди.

...Карим бобо 91 ёшга кирганида у ҳақида газеталарда икчамгина бир мақола чоп этилди. Отақон суюнганидан ўзини қўярга жой тополмай юрди. Қариндош-уруғлар, қадрдонлар, қишлоқдошларига газетани кўрсатар, невараларидан шу мақолани қайта-қайта ўқиб беришни сўрарди. Кейин газетани авайлаб ёстиқ остига қўярди.

Хар гап 9 май куни табаррук ёшдаги отақоннинг хона-



донига қанчадан-қанча расмию норасмилар куруқ қўл билан келишмас, аммо не ажаби, бу совғалар гоши куш патчилик бўлган бир газетачилик тош босолмасди.

— Бир куни "Бобожон, келинг, шу газетани рамкага солиб берай. Деворга осиб қўямиз, шундоқ кўз ўнгингизда туради", дедим, — дея эслайди отанинг невараси Дилноза Ашурова. — Шунда у киши "Йўқ, ёстиқимнинг тағида тургани маъқул, кўнглим хотиржам бўлади", деб кўнмади.

Орадан йиллар ўтди. Паймонаси тўлганини аналган Карим бобо уйдигиларининг барчасини ёнига қўлади. Сўнг Дилнозага қараб, "Қўзим, ўша газетани яна бир ўқиб бер", деди.

Хар гап 9 май куни табаррук ёшдаги отақоннинг хона-

Дилноза отанинг урушдаги жудликлар, тинч ва осойишта қонларнинг қадрига етиш ҳақида сўзлари битилган мақолани овоз чиқариб ўқиди. Карим бобо уни жон қулуги билан тинглади. Сўнг... қўздан бир томчи ёш оқди. Бу унинг сўнги кўз ёши эди...

— Хар сафар бобожонимизни эслаганимизда, ёстиқлари остида асраган ўша газетани қўлимга оламан, — дейди Дилноза. — Фарзандларимга уни қайта-қайта ўқиб бераман. Шунда қулқларим остида бобомнинг "Барака топ, қўзим", деган сўзлари янграгандек туюлади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2021 йилда янги иш ўринларни ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М.Холхўжаев) — масъул давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Давлат дастури ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштиришга.

Давлат дастури юзасидан ушбу бандда кўрсатилган масъул вазирлик, идора ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар ой якунига кўра кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар тегишли маълумотларни умумлаштириш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этиб борсин.

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой мuddатда "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексининг Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин. Бунда, қуйидагилар "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексидан акс этирилади:

меҳнат таъжуби учун ижтимоий солиқ тўлаган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якуни бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар; ташкил этилган иш ўрнида банд бўлган жисмоний шахслардан (якка тартибдаги тадбиркорлардан) олинган даромад солиғи ёки ижтимоий солиқ ҳамда норасмий фаолият кўрсатаётган яшрин иш ўринларини расмийлаштириш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якунига қадар;

юридик шахслар томонидан янги ташкил этилган ва қисқартирилган иш ўринлари сони тўғрисидаги ойлик, чораклик, йиллик маълумотлар (кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари) ҳисобот ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳар ой якуни бўйича:

Давлат дастури ижроси юзасидан умумлашган тахлилий маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига кириштириб борсин;

Давлат дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида ҳисобот бериб борсин.

6. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларда (кейинги ўринларда — вақтинча ишлар) банд бўлган фуқароларнинг меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қуйидагилардан иборат янги тизимни яратиш ҳақидаги тақлифи маъқуллансин:

вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар қўламини кенгайтириш, шу жумладан, уларга

вақтинча иш жойлари ва иш берувчиларни қидиришда кўмаклашиш, ўзини ўзи банд қилиб ишлаш учун зарур шароитлар яратиб бериш;

иш берувчи жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларни ёллаш бўйича хизматлар кўрсатиш, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш масалалари бўйича маслаҳат ва услубий ёрдам бериш;

вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, уларга меҳнат қуролини, шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийимлар билан таъминлаш хизматларини кўрсатиш;

"барча учун иш" тамойили асосида вақтинча ишларни ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, иш берувчилар ва ишловчиларга масофадан туриб хизматлар кўрсатишни кенг жорий этиш;

вақтинча ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш жараёнларига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш, бунда иш изловчиларни ётоқхона ва транспорт билан таъминлаш, тезкор буюртмалар олиш ва бошқа қўшимча хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш.

7. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ҳузурда фаолият юритаётган вақтинча бир марталик иш билан таъминлаш бюролари Кунлик меҳнат марказлари (кейинги ўринларда — Марказ) сифатида қайта ташкил этилсин ҳамда қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

иш изловчиларни рўйхатга олиш, улар тўғрисида маълумотлар базасини юритиш, иш берувчи жисмоний ва юридик шахслардан фуқароларни вақтинча ишларга ёллаш бўйича буюртмалар олиш;

вақтинча ишларни бажарувчи шахсларнинг ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтиши ва электрон (қоғоз) шаклдаги маълумотнома олишига шарт-шароит яратиш;

иш изловчиларни корхона ва ташкилотлардаги бўш (вакант) иш ўринлари билан мунтазам таништириб бориш ҳамда доимий ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

вақтинча ишлар билан шугullanувчи шахсларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш, касбга тайёрлаш (қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)ни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

манфаатдор иш берувчилар ва иш изловчилар иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил қилиш; вақтинча ишлар билан шугullanувчи шахсларга меҳнат қуролини, шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийимларни ижарага бериш.

8. Белгилансинки: Марказда вақтинча ишларни бажарувчи шахсларга уларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар (экстерриториаллик тамойили бўйича), иш қидираётган шахс сифати-

да рўйхатга олинган ҳолда бандлик хизматлари кўрсатилади;

Марказда туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори томонидан тайинланадиган ишга жойлаштириш мутахассислари фаолият юритади;

туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директорининг ўринбосари бир вақтнинг ўзида ушбу ҳудуддаги Марказнинг раҳбари ҳисобланади;

жамоат тартибини сақлаш учун Марказга тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бўлимининг масъул ходими доимий равишда бириктирилади;

Марказ ходимларининг ва унга доимий равишда бириктирилган туман (шаҳар) ички ишлар бўлимининг масъул ходими меҳнатига ҳақ тўлаш тегишли равишда туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда ички ишлар бўлими томонидан амалга оширилади.

9. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда олти ой мuddатда "барча учун иш" тамойили асосида қуйидагиларни назарда тутувчи "Mening ishim" буюртмалар биржаси онлайн-майдонини ишга туширсин:

ишсизлар, айниқса, аёллар, ёшлар, талабалар, ногиронлиги бўлган шахслар учун ишлар, масофадан туриб бажариладиган ишлар, уйда бажариладиган ишлар, касаначилик ишлари, фрилансерлик фаолияти, иш графикалари, талаб этиладиган малака даражаси, иш ҳақи миқдори ва бошқаларни акс этириши;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг фаолият турлари (хизматлари, ишлари) ҳамда уларга эҳтиёжи бор бўлган иш берувчилар тўғрисида маълумотларни олиш; ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг фаолият турлари (хизматлари, ишлари)ни реклама қилиш; ўзини ўзи банд қилган шахслар ва уларнинг хизматига эҳтиёжи бор иш берувчилар ўртасида кунлик ва узок мuddатли оферта шартномаси тузиш.

10. Белгилансинки: "Mening ishim" буюртмалар биржаси онлайн-майдонини ишга туширишни молиялаштириш Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади; вақтинча бир марталик ишлар тўғрисидаги кунлик маълумотлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг фаолият турлари (хизматлари, ишлари) тўғрисидаги эълонлар "Mening ishim" буюртмалар биржаси онлайн-майдони орқали бепул тақдим этиб берилади;

хусусий бандлик агентликларига кунлик ишлар ҳақидаги ахбороти ва иш изловчиларнинг резюмеларини эълон қилиш учун "Mening ishim" буюртмалар биржаси онлайн-майдонда шахсий кабинет очишига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан рухсат берилади;

туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ҳузу-

рида эҳтиётдан келиб чиқиб, филиал шаклида Марказларни ташкил этиш, Марказ тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳамда штат бирикликлар ажратиш меҳнат бозорининг конъюнктураси ва кунлик ишларга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан амалга оширилади;

Марказларни ташкил этиш, сақлаш ва моддий-техник таъминлаш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, уларда видеокузатув ва оғоҳлантирувчи алоқа тизимларини ўрнатиш Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан ҳамда қонунчиликда таққаланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солиш ҳамда Кунлик меҳнат марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарори қабул қилинишини таъминласин.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

2021 йил 1 июлга қадар янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича ҳисоботларни юритиш, уларни реал вақт режимида Давлат солиқ қўмитасининг ягона интеграциялашган ахборот-ресурс базаси билан мониторинг қилишга мўлжалланган электрон дастур ишлаб чиқишлигини;

ушбу мuddатда аҳолининг ижтимоий эҳтиётманд тоифаларини, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарори билан белгиланган иш ўринларининг энг кам сони ва иш берувчилар томонидан иш ўринлари захирасига қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотларни "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексидан акс этиришлигини;

икки ой мuddатда ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун бандлик соҳасида интерактив хизматлар доираси кенгайтирилишини таъминласин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Н.Б.Хусанов белгилансин.

Қарор ижросини муҳофиза қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 декабрга қадар ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 28 апрель

ШАФФОФ ВА ИНКЛЮЗИВ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ — АСОСИЙ МАҚСАД

Тошкентда ЕХХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бюросининг (ДИИХБ) "Демократик қонун ижодкорлиги: қонунлар иштирокчини таъминлаш" мавзусидаги инсонийлик мезонларини бўйича иккинчи қўшимча ййгилиши бўлиб ўтди.

Эътироф

Ййгилишини очилишида Швеция ташқи ишлар вазирлиги масъули, Демократия ва қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари бўйича махсус элчи Анника Бен хоним, ЕХХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бюроси директори Маттео Мекачи ва ЕХХТ Парламент Ассамблеяси Президенти Симона Граната-Менгхени сўзга чиқди.

Жумладан, ЕХХТ ДИИХБ директори Маттео Мекачи ўз нутқида ЕХХТга аъзо мамлакатлар ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши, жамиятда муро-сасизлик, камситиш, инсон ҳуқуқлари бузилиши ва бошқа масалалар билан боғлиқ мавжуд муаммолар ҳақида гапирди.

Очиқ ва эркин рўхда ўтган тадбирда ЕХХТга аъзо давлатларнинг ноҳукумат ташкилотлари вакиллари ўз мамлакатларида қонун ижодкорлиги ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мавжуд муаммолар тўғрисида ййгилиш иштирокчиларига маълумот беришди.

Ййгилишнинг иккинчи кунин Олий Мажлис Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидовнинг "Ўзбекистон парламенти: қонунчилик фаолиятидаги янги тенденциялар" мавзусидаги нутқи билан бошланди.

Акмал Саидов ййгилиш иштирокчиларига Ўзбекистон парламентида сўнгги йилларда амалга оширилган янги чора-тадбирлар ва ишловлар тўғрисида маълумот берди. Жумладан, пандемия шароитида қонун ижодкорлиги, унда парламент назоратини кенгайтириш ҳамда қонун ижодкорлигида жамиятнинг ўрни ва халқаро ҳамкорлик соҳаларидаги ўзгаришлар ва стандартлар ҳақида сўз юритди.

Ушбу мавзу доирасида Украина парламенти аъзоси Виктория Подгорна, Халқаро тараққиёт ҳуқуқ ташкилотининг тадқиқот ва таълим бўйича директори Илария Боттигеро ўз тажрибалари ва амалиётлари ҳақида нутқ сўзлади.

Икки кунлик қизғин муҳофиза этилган масалалардан келиб чиқиб, ташкилотчилар мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимига оид тақлифлар юзасидан тез орада ЕХХТнинг тавсиялари ҳамда фойдали кўрсатмалари ишлаб чиқишлигини эълон қилди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

1 Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши табиий ва теҳноген хусусият-ли факулдада вазиятлар оз берганли-ги оқибатида жаҳрланган жисмоний шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қув-ватлашга доир қонунчилик ҳужжатларида мавжуд бўлган ҳуқуқий бўлиқлар бар-тараф қилинади ҳамда аҳоли пунктлари-ни тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзбошимчалик билан қурилган иморат-ларни бузиш юзасидан масъул давлат органларининг судга мурожаат этиш им-кониятларини кенгайтиради.

Интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказишда тезкор экспертиза жорий этилади

Мажлисда "Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада та-комиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшим-чалар киритиш тўғрисида"ги қонун лой-ҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнига тезкор экспертизани жорий этиш, интел-лектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш мuddатларини қисқартириш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасида мулклий ҳуқуқлар ҳимоя мuddа-тини узайтириш белгиланмоқда.

Шунингдек, лойиҳага муаллиф вафо-

тидан кейин муаллифлик ҳуқуқлари ҳимоя мuddатини 50 йилдан 70 йилга ошириш тўғрисидаги меъёр киритилапти. Депутатларнинг фикрича, бу муаллифнинг қамиди иккита авлоди яшаган давр мо-байнида унга тегишли бўлган мулклий ҳуқуқлар ҳимоясини таъминлайди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши санаот намуналарига патент ва гувоҳно-ма олиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, талабнома берилган интелле-ктual мулк объектларини рўйхатдан ўтка-зиш, шу билан бирга, ишлаб чиқаришга ишланмалар киритилишини рағбатланти-риш ҳамда махсуслотлар ва хизматлар-нинг турларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қимматбаҳо металлларнинг эркин муомаласи йўлга қўйилади

"Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг учинчи ўқишдаги мувоқамасида қайд этил-ганидек, лойиҳа соҳадаги муаммоларни бартараф қилиш, уни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси билан қимматбаҳо металлларнинг эркин муомаласи йўлга қўйилади. Бу эса тадбиркорлик субъек-тларининг хом ашё сифатидаги қиммат-баҳо металлларга бўлган эҳтиётимчи қондиради. Ушбу субъектларга қиммат-баҳо металлларни ишлаб чиқарувчилар-

дан тўғридан-тўғри ва биржадан сотиб олиш имконияти яратилади.

Депутатларнинг таъкидлашича, лойи-ҳадаги нормалар асосида қимматбаҳо металлларга товар сифатида қаралиб, тадбиркорлик субъекти ёки жисмоний шахслар уларга эғалик қилиш, эркин та-саруф этиш ҳуқуқига эга бўлади. Қим-матбаҳо металллар ва тошлардан зар-гарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи ма-ҳаллий тадбиркорлик субъектларига ўз буюмларини ўзлари тамғалиши ҳуқуқи берилмоқда.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши тад-биркорлик субъектларининг заргарлик санаоти соҳасидаги фаолиятини жон-лантириш, уларнинг ҳуқуқларини ишонч-ли ҳимоя қилиш, қимматбаҳо металллар ноқонуний айланмасининг олдини олиш ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси халқ вакиллари томо-нидан учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юбориладиган бўлди.

Яна бир ҳужжат ратификация қилинади

Халқ вакиллари "Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат ҳавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли конвенциясини (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратифика-ция қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўриб чиқди.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг устувор конвенцияларидан бири бўлган

ушбу ҳужжатга биноан меҳнат ҳавфсиз-лиги ва гигиенасини доимий равишда тақомиллаштиришга кўмаклашиш назар-да тутилди. Бунунгиз кунда конвенцияни 49 та давлат ратификация қилган.

Депутатларнинг таъкидлашича, конвен-ция қоидаларининг аксарияти миллий қонунчилигимизга имплементация қилин-ган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 211-моддасига биноан корхоналарда ҳавфсизлик ва гигиена талабларига жа-воб бериладиган меҳнат шaroитлари яратилган бўлиши кераклиги белгилан-ган бўлса, бундай шaroитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига юк-латилган. "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасида иш берувчининг меҳнат муҳофазаси со-ҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Қолаверса, мамлакатимизда Меҳнат кодекси, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бу бо-радаги 300 дан ортиқ қоидалар ҳамда меъёrlар, техник стандартлар амалиёт-га жорий этилган.

Мажлисда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси томонидан 187-сонли конвенциянинг ратификация қилиниши миллий қонунчиликни янада та-комиллаштиришга, меҳнат ҳавфсизлиги ва гигиенаси соҳасидаги халқаро стан-дартларни самарали жорий этишга ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларда мамлакатимизнинг ижобий имижини шакллантиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томони-дан қабул қилинди.

Фуқаролик бериш тизими соддалаштирилмоқда

"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимча-лар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Лойиҳа билан амалиётда қўлланиб келинаётган фуқаролиги бўлмаган шахс-ларга нисбатан Ўзбекистон Республика-си фуқаролигига тан олишининг тартиб-лари соддалаштирилмоқда.

Шунингдек, унда мамлакатимиз ҳудуд-ида ўн беш йил давомида доимий яшаб келаятган фуқаролиги бўлмаган шахс-ларнинг тўғридан-тўғри Ўзбекистон Рес-публикаси фуқаролари, деб тан олиш белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ту-ғилган фуқаролиги бўлмаган шахслар то-монидан фуқаролиги бўлмаган шахс гу-воҳномаси асосида беш йил яшамасдан мамлакатимиз фуқаролигини олиш учун илтимоснома билан мурожаат қилиш тар-тиби жорий қилинапти. Қолаверса, ота-онасида бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тан олинган болаларни Ўзбекистон Республикаси фуқароси, деб тан олиш назарда тутилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



1 Мазкур ҳужжат билан бир қатор қонунлар қаторида, Конституцияга ҳам ўзгаришлар киритилди. Яна бир муҳим жиҳат — ДИИХБ тавсияларини

инобатга олган ҳолда, Сайлов кодексига киритилган ўзгаришлар ҳам таъкидлаб ўтилди. Жорий йил мамлакатимиз ҳаётида му-

ҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти сайлови бўлиб ўтади.

Бўлажак сайловни принципап жиҳат-дан янги сиёсий, ҳуқуқий ҳамда ташки-лий даражада ўтказиш эса мамлақати-миз барқарор ҳамда изчил ривожлани-шини таъминлашнинг энг муҳим омил-дир. Халқаро қузатувчилар, шу жумладан, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташки-лотлар вакилларнинг бўлажак сайловда иштироки сайловнинг умумэтироф этил-ган халқаро тамойиллар ҳамда ҳуқуқий нормаларга мувофиқ ўтказилишига хизмат қилади.

ДИИХБ директори М. Мекачи сайлов соҳасида амалга оширилаётган ишлов-ларни қўллаб-қувватлашни билдириб, Ўзбекистонга сайлов жараёнини янада та-комиллаштиришда кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси ҳамда Туризм ва спорт вазирлиги томонидан "Зиёрат туризмини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир

Давра суҳбати иштирокчилари то-монидан Ўзбекистонда туризм соҳа-сини ривожлантиришнинг қонунчилик ва институционал асослари, юртимизда зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистонни Ислол цивилизация мар-кази сифатида тарғиб қилишнинг аҳамияти, зиёрат туризмини ташкил этишда логистика масалалари ҳамда янги йўналишлар ва COVID-1

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ — ЮКСАК ИНСОНПАРВАРЛИКДИР

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Президентимизнинг шу йил 20 апрелдаги Фармони ва қарорига мувофиқ, мазкур байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш, бугунги тинч, фаровон кунлар йўлида қурбон бўлган инсонлар руҳига ҳурмат кўрсатиш, биз билан

бирга умргузаронлик қилаётган қаҳрамонларни эъзозлаш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланди. Юртимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, бугунги тинч ва осойишта кунларимиз учун жонини фидо қилган жасур юртдошларимизнинг муқаддас

хотирасини эъзозлаш, ҳаёт бўлган фахрийларнинг ҳурматини жойига қўйиш борасида олиб борилаётган ишларга хорижликлар ҳам юксак баҳо бермоқда. Буни қуйидаги фикр-мулоҳазалар ҳам яққол тасдиқлайди.

Ворис ЙЎЛЧИЕВ, Евроосиё Миллатлар Ассамблеясининг адабиёт бўлими мудири (Озарбайжон):

— Ўтган йили шу кунлар арафасида Иккинчи жаҳон урушида халок бўлганлар ва фронт орқасида фидокорона меҳнат қилган одамларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Тошкентда муҳташам Ғалаба боғи, "Шон-шараф" музейи ва "Мангу жасорат", "Матонат мадҳияси" монументлари бунёд этилгани ҳақида дўстларим орқали хабар тоғандим. Сўнгра бу иморатларнинг, янги боғнинг фотосуратларини кўриб, янада бахридилдим очилди. Чиндан ҳам ажойиб. Ўзбек халқининг жанглардаги мардлигини, фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидойилигини ақс эттиришга бағишланган кенг кўламли тарихий-бадиий экспозициялар қад ростлабди янги қурилган боғда. Ушбу сайёҳаракатлар зами-



рида Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортида қўрсатган бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсади муҳим эканига шубҳа йўқ.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

ДУНЁ НИГОҲИ



Адриатик ЖЕК, шоир ва таржимон (Албания):

— Иккинчи жаҳон урушининг олмасири жаңг майдонларидан ташқари, уруш ортида машаққатли меҳнат ва азоб-уқубатдан бошқа нарсани кўрмаган одамларнинг кўпчилиги қайғу-алам гирдобиде жон берган. Шу сабабли уруш йилларида ҳеч ким рўшнолик кўрмаган. Шунинг учун уруш йилларида азоб-уқубат ва талафотлар ҳисобига бугун инсоният бошига тушган офатни бартараф қилишга улкан ҳисса қўшиб, жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди.

Бугунги тинч-товуш кунларда ўша мудҳиш уруш йилларининг азобини тортган ва тирик қолган инсонлар ҳаёт гаштини сурмоқда, десак, муболага эмас. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг қадр-қиммати ўрнига қўйилиб, иззат ва ҳурмат кўрсатилаётганини оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб бормоқдамиз. Бир неча йиллар аввал Ўзбекистонда жаңг майдонларида халок бўлганларнинг рўйхатини ўз ичига олган кўп жилдлик "Хотира" китоби чоп этилганини,

Хотира майдонида мажмуа қурилиб, халок бўлган ҳар бир инсоннинг номи зарҳал ҳарфлар билан битилгани ҳақида ўқигандим. Бу йил ҳам давлат раҳбари Фармон ва қарорига мувофиқ, уруш қатнашчиларига пул мукофотлари берилиши, уларнинг саломатлиги, дам олиши, уй-жой шароитлари доимий эътиборда экани ҳақида ўқиб гоят мамнун бўлдим. Зотан, ёшлигининг навқирон чоғларини уруш оловларида, жанггоҳларда ўтказиб, биттасини ўзига, қолган уч қисминини фронтга, жаңга кетганларнинг оилаларига, ҳарбий госпиталларга, фашист-



Вадим ТЕРЕХИН, Россия Ёзувчилар уюшмаси бўлими мудири (Россия):

— Ўзбек халқи Иккинчи жаҳон урушида фашистларни тор-мор этиш учун молини ҳам, жонини ҳам аямагани бизга яхши маълум. Топган битта нонини тўртга бўлиб, биттасини ўзига, қолган уч қисминини фронтга, жаңга кетганларнинг оилаларига, ҳарбий госпиталларга, фашист-

лардан озод қилинган ҳудудларнинг оч-ночор аҳолисига бергани ҳақидаги тарихий хабарларни ўқир эканман, бе-ихтиёр кўзимга ёш келади. Ўзбек халқининг икки миллионга яқин фарзандлари фашистларга қарши жангларда мардонавор курашган. Улардан бир неча юз минг киши халок бўлган. Яна қанча-қанча ўзбекистонликлар фронт ортида фидокорона меҳнат қилган.

Иккинчи жаҳон уруши келтирган дахшатли оқибатлар, умман, уруш фожиаси ҳақидаги мулоҳазаларимиз ҳозирги авлодлар учун фойдалан холи бўлмайдиган деб ўйлайман. Эеро, улар билан танишган ҳар бир инсон бугун озод мамлакатда ҳўми сураёт-

ган тинчлик ва барқарорликнинг қадрини яхши англайди. Ғалаба куни, Хотира ва Қадрлаш куни, Тинчлик куни... 9 май кунини ҳар бир халқ турлича номлайди, бироқ унинг замирида ётувчи маъно ягона. Ушбу байрамда фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган ҳар бир халқнинг эзгу фазилатлари янада ёрқин намён бўлади. Ўзбек халқи учун бу дунёдан ўтганларни хотирлаш, тирликларини эъзозлаш азалий қадрият. Шу маънода, мамлакатимизда 9 майнинг Хотира ва Қадрлаш куни сифатида тантанали қилиниши, тинчлик учун курашган инсонларга эҳтиром кўрсатилиши тушунарли ҳамда гоят адолатлидир.

Вилоят ҳокимлиги, шаҳар, туманлар ҳокимликлари, вилоят халқ таълими, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси, академик лицейлар, қишлоқ хўжалиги, банк, солиқ, молия, саноат муассасалари, фермер хўжаликлари, қўшма, хусусий корхоналар, бошқа тармоқларга қарашли корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

2020/2021 ўқув йилида университетни битираётган мутахассисларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлашга киришмоқда. Кадрларга эҳтижи бўлган ташкилот ва муассасалар раҳбарларини университет раҳбарияти ҳамкорликка таклиф этади.

Қарши давлат университетини битирувчилар ҳақида маълумот

Table with columns for region (T/p), district (Шаҳар ва туманлар номи), faculty (жами), and various specialties (grant, part). Includes a summary row at the bottom.

Магистратура мутахассисликлари

Table with columns for region (T/p), district (Шаҳар ва туманлар номи), faculty (жами), and various specialties (grant, part). Includes a summary row at the bottom.

Мурожаат учун манзил: Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй, телефон: 75-221-21-13 факс: 221-00-56

КҰНГИЛЛАРГА ТЎСИҚ ҚҰЙИБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон чегараларидан қийинчиликсиз ўтиб-қайтаётган минг-минглаб инсонлар бугунги ўзгаришлардан мамнун.

Марказий Осиё беш давлатни ўз ичига олган йirik минтақа. Дунёнинг ўта муҳим стратегик нуқтаси. Утмишда айни шу манзиллар кўп асрлар давомида ягона салтанатлар таркибида ҳам бўлган. Бу маконда бир пайтнинг ўзиде қанча давлат ҳукм сурганидан қатъи назар, уларнинг иқтисодий табиий, иқлим, ер-сув, аҳоли яшаш тарзи каби турли омиллар таъсири остида бир-бирини тўлдириб турадиган ҳудудий комплекс ҳолида шакланган. Ҳатто собиқ иттифоқ парчалангунга қадар ҳам вазиет шундай эди, деб бемалол айта оламиз.

Бирок 1992 — 2016 йиллар мобайнида беш давлат ўртасида сунъий тўсиқлар пайдо бўлган, уларнинг ўзаре иқтисодий алоқалари сусайди. Чегара ҳудудларидеги қишлоқ ва шаҳарлар ўртасидаги савдо-сотик муносабатларига путур етди.

Ҳўш, мазкур ноҳуш ҳолатлар қандай оқибатларга олиб келди?

Буни кўйида Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлиги мисолида таҳлил қиламиз.

Марказий Осиё очик, конструктив, пухта ўйланган ва прагматик сиёсати натижасида давлат чегараларини делимитация ҳамда демаркация қилиш, ички ва халқаро транспорт коммуни-кациялари, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, давлат чегарала-ридан ўтишни соддалаштириш каби деярли 30 йилдан бери ҳал бўлмагн турган мураккаб муаммоларга ечим топилди. Натижада Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик сурьати шиддат билан ўса бошлади.

Хусусан, 2017 — 2019 йиллар да-вомида Марказий Осиё мамлакатла-ри билан савдо айланмаси йиллик ўртача 50 фоиздан кўпроққа ошиб, 5,2 миллиард долларга етди.

Ҳатто пандемия айни авжига чиқ-қан ва турли чекловлар жорий этилган 2020 йилда ҳам Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмаси 5 миллиард долларни ташкил этди.

Умуман, 2016 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг жами

масалаларни батамом ҳал этиш им-конияти бўлмади. Ниҳоят Қирғизистон-нинг янги Президенти Садиp Жапаров 2021 йил 11-12 март кунла-ри Ўзбекистонга давлат таширифи би-лан келган, бу масала тўла ечимини топди. Чегаранинг мунозарали участ-калари бўйича ўзаро манфаатли шарт-лар асосида келишувга эришилди.

Бу жуда катта ютуқ. Лекин масала-нинг бошқа томони ҳам борки, у дав-лат чегараси ва божхона идораси ай-рим раҳбару ходимларининг ўшбу ма-салага қарши билан боғлиқ. Гап шун-даки, давлат чегараси ана шундай чи-гал жойларда бу идоралар билан бир-эҳтимолга қарши назорат-тектирув постларини кўпроқ ўрнатишга ҳаракат қилишади. Аслида бунинг учун уларни айблаш ҳам қийин. Лекин Янгиқўрғон туманининг Заркент қишлоғидан Қизилёзёки қишлоғига чиқарилган, яъни Ўзбекистоннинг ички ҳудудида улар блокпост ўрнатиб олганлиги Қизилёзи, Нанай, Мамай, Кўкёр, Мўғул, Оқтом каби Ўзбекистонга қарашли қатор қишлоқлар аҳолиси иқтисодий аҳолига кескин салбий та-сир кўрсатиб, Наманган вилояти дам олиш масканларининг катта қисми жойлашган бу ҳудудда туризм таназу-зулга юз тутга бошлади.

2018 йили Президент Шавкат Мирзиёев мазкур манзилда бўлгани-да ноҳуш аҳолини кўриб, бу постни олдириб ташлагани. Шундан кейин ҳудудда ҳаёт жонлана бошлади. Аф-суски, одамлар қувончи узоққа чўзил-мади. 2020 йили — коронавирус пан-демияси даврида мутасадди идора-лар “Заркент” блокпостидан бир ки-лометрча нарида “Қизилёзи” блок-постини ташкил этишди. (Президент топшириги билан туртилган постни яна аввалги ўрнида қайта тиклашга журъат қилишолмади шеклими?!) Ка-рантин чоралари юмшатиладиган кейин бутун мамлакатда бундай пост-лар олиб ташланди. Лекин биз айтаёй-турган тўсиқ ҳамон жойида турибди. Нега?

Тинч ва осуда давлатлар ички ҳудуд-ларида блокпостлар ўрнатишмайди. Чунки унинг фойдасидан зарари кўпроқ. Бундай сунъий тўсиқлар кон-трабанда микродоими қамайтирмасли-ги ҳам маълум. Менимча, бу ўринда изоҳқа ҳожа т йўқ...

Лекин бу билан мамлакатимизнинг давлат чегараларини қўриқлайдиган чегара ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қиладиган божхона тизимлари-ни айблаш фикридан йироқман. Фа-қат ўшбу ташкилотлар ўз идоралари-нинггина эмас, умумдавлат манфаат-ларини ўйлашлари тарафдориман. Чун-ки ортиқча тўсиқ ва чекловлар тарақ-қийётга ҳам фов бўлади.

кооперация лойиҳаларини биргаликда бажариш бўйича йигирмадан ортиқ икки томонлама ҳужжатлар, жумладан, ҳуку-матларимиз ўртасида Қирғизистон — Ўзбекистон тараққиёт ҳамгармаси ту-зиш тўрисидаги битим имзоланди. Яқин истиқболда товар айирбошлаш ҳажми-ни 2020 йилда эришилган 903,1 мил-лион доллардан 2 миллиард долларга етказиш, яъни 2,2 баравардан кўпроқ ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида узоқ йиллар давомида тор-тишуларга сабаб бўлиб келган ўта муҳим муаммо сув таъминоти билан боғлиқ. Ўртаўқай ва Кампирравот (Андижон) сув омборлари билан боғ-лиқ барча муаммонинг мақбул ечим-лари топилди. Компенсация учун Ўзе-бекистондан Қирғизистон томонига актин майдонлари берилмаганди бўлди.

2021 йил мартдан октябргача ва 2022 йил март-апрель ойларига Қир-ғизистонга 750 миллион киловатт-со-атгача элктр энергияси етказиб бе-рилади. Қирғизистон июнь — август ойларига ҳудди шундай миқдордаги элктр энергиясини Ўзбекистонга қайтариб беради. Бу тадбир Тўқтағул сув омборида сув тўплаш ва уни 2021 — 2023 йилларда вегетация ма-всумида Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги истеъмолчиларига етказиб бериш мақ-садида амалга оширилади.

Қирғизистонда ўзбек енгил авто-мобиллари ва тижорат техникаларини ишлаб чиқаришга келишилди. Бу тўғридаги меморандум “Ўзвотсанос-ат” акциядорлик жамияти ҳамда Қир-ғизистон Энергетика ва саноат ва-зирлиги томонидан “ИННОПРОМ” халқаро саноат кўргазмаси доираси-да имзоланди.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекис-тон темир йўлини қуришни тез фур-сатда бошлаш ҳамда Андижон — Ўш — Саритшо — Иржештом мулътимо-дал йўлга бўйлаб юк ташиллар ҳаж-мини ошириш бўйича ҳам келишувга эришилди.

2 апрель куни Фарғона вилояти ва Қирғизистоннинг Боткен вилояти орасида “Риштон” (“Қайтпас”) ва “Тул” (“Этички”) чегара постлари ишга туширилиб, Қирғизистон орқали ўтган Сўх — Риштон йўли қайта очилди. 80 мингга яқин аҳолиси бўлган анклав ҳудуддаги сўхликлар учун бу, гоят муҳим воқеа. Чунки вилоят мар-казига келиш учун 80 километр йўл босиб, Фарғона туманидаги “Водил” божхона чегара пости орқали қатна-ган юртдошларимиз энди қисқа 19 ки-лометрлик йўлдан эркин фойдаланиш имконига эга бўлди.

Тўғри, Марказий Осиёда давлат-лараро чегаралар қучли қўриқланиши бир пайтлар зарур эди. Чунки ўшанда қўлорўчиларнинг юртимизга қўшни давлатлар орқали кириб келиш хавфи ҳар қачонгидан ортганди. Те-гишли чора-тадбирлар қурилганлиги туфайли бу масала ижобий ҳал этил-ди. Лекин шунга қарамай, чегарадан кирди-чиқди тартиби юмшатилмагн келинбаётганди. Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилди. Ортиқча текширувларсиз ва содда тартиб асосида чегарадан ўтаётган қардош халқларга мансуб минг-минглаб одамлар эса бугун Президент Мирзиёевни дуо қилмоқда.


Одил ОЛИМЖОНОВ, иқтисодий фанлари доктори, профессор.

Китоб жавонингизга

«ЎТКАН КУНЛАР»

ИНГЛИЗ ТИЛИДА НАШР ҚИЛДИ

2019 йилда миллатпарвар ёзувчи Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи америкалик шарқшунос Марк Эдвард Риз таржимасида, инглиз тилида “Bygone days” номи билан китоб ҳолида чоп қилинди.



2019 йилнинг 27 декабрь куни Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида, жорий йилнинг 27 апрель кунини эса юртимизда, Тошкент шаҳрида — Абдулла Қодирий ҳайкали ёнида китобнинг тақдими бўлиб ўтди.

Марк Риз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини ўзбек тилидан инглизчага тўлиқ ўғирган дастлабки таржимон ҳисобланади. Таржима учун романнинг 1926 йил босилган илк ва қисқартирилмаган наشري танланган. Таржима ишлари 2004 йилда бошланиб, 2019 йилда якунланган. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ўзбек адабиёти таржимони Марк Эдвард Риз маданий ҳамкорлиқни ривожлантиришдаги ҳиссаси учун 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени билан мукофотланган.

«ҚОЯДАГИ ДАФТАР»

Эҳтимол, энг соҳир туйғулар, ҳеч етиб бўлмас орзулар, залварига чидаш душвор ҳақиқатлар кўз қоянинг устига чиққан инсон кўнглидан кенча ажаб эмас.



Унга тақдир кулиб боқиб, эсон-омон пастга тушганидаям, юксакда сурган ҳаёллари ўша қоя устида қолади. Чин шеърларнинг кўз очишини ҳам шунга менгзаш мумкин. Асл битиклар кўнглининг тик қоясига чиқилган лаҳзалардагина кўз очади.

2020 йилда “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан чоп қилинган таниқли шоир Вафо Файзуллоҳнинг “Қоядаги дафтар” китобини мутлола қилар экансиз, кўнглидан шундай фикрлар кечиши, шубҳасиз.

Шоирнинг кейинги йилларда ёзилган энг сара шеърлари, достонлари ва рус шеърлтидан қилган таржималари кири-тилган тўплам сизда унутилмас таассурот қолдиради, деган умиддамиз.

«ОҚ ЛАЙЛАК»

Оққан сув — дарё. Юрт олган илми толиб ҳам тонинг нақ чўққисидан учиб ўтган оқ лайлақдай бир ҳолатни бошидан кечиради. Қолаверса, шоир юракнинг меҳри соғинида, Ватанга, халқига, қадрдонларига муҳаббати сафарда янаям теранлашади.



Шу эврилиш боис Вафо Файзуллоҳ янги шеърлар китобини бир оз бош-ча тартиблади: китобнинг биринчи бўлими сафарда, асосан, Россия мар-казида таҳсил даврида турилган янги шеърлардан иборат. Ўзбек ва рус тил-ларида ёнма-ён жойлаштирилган ик-кинчи ва учинчи бўлимларда рус ше-рриятдан қилган таржималари ҳамда илк бор шоирнинг рус тилига ўғирилиб, Москва адабий нашрларида дунё юзини қўнган шеърлари, аслият билан бирга ўқувчилар ҳўқмига ҳавола этилган.

“Muharir” нашриёти томонидан чоп қилинган шоир Вафо Файзуллоҳнинг “Оқ лайлак” тўплами ҳам кутубхонангиз ва кўнглингиздан муносиб ўрин эгаллайди.

«Халқ сўзи».

ҚУЁНЧИЛИК: ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ ВА САМАРА

Тадбиркорликнинг тури кўп. Шунинг баробарида, иш тутуми ҳам, қўриладиган даромад ҳам турлича. Лекин ақсарият одамлар бирор иш бошлашдан аввал келадиган даромадни ҳисоб-китоб қилиши табиий. Бу инсон табиатида ҳос ҳусусият. Лекин тадбиркорликнинг ҳам ўзига яраша талаблари, қоидалари бор. Уни яхши ўзлаштирган, бозорни чуқур ўрганган ишбилармон кўзлаган мақсадига эришади, албатта. Қолаверса, ташаббус ва гоълар қўллаб-қувватлаб турилса, тўғри йўл-йўриқ қўрсатилса, муваффақиятга янада тезроқ эришиш мумкин.

Молия муассасаларида

Таъкидлаш жоизки, юртимизда бу борадаги ишлар анча яхши йўлга қўйилган. Иқтисодий ва жамиятнинг таянчи ҳисобланмиш тадбиркорлар фаолияти давлатимизнинг доимий эътиборида. Айниқса, давлат раҳбари томонидан уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда, эмин-эркин иш-лашлари учун ҳуқуқий асослар яратилипти. Ҳатто алоҳида тармоқлар учун аниқ молия муассасалари бириктириб қўйилганлиги, натижада жойларда тадбиркорликнинг янги йўналишлари ривожланиб, одамларнинг ишбилармонлиги қўбияти юзага чиқ-моқда. Минглаб иш ўйинлари ярати-либ, ҳудудлар обод бўлиб бораётир.

“Микрокредитбанк” АТБ республи-камизда қўёнчиликни ривожланти-ришга масъул этиб белгиланганига ҳам бир неча йил бўлди ва молия муассасаси томонидан ўтган вақт мобайнида ўшбу йўналишда сези-ларли ишлар амалга оширилди. Гап шундаки, Президентимиз ўтган йили

вилоятларга ташрифлари давомида қўёнлар сонини мамлакат бўйича 5 миллион бошга етказиш юзасидан топшириқ берганди. Шунга асосан, дастлаб умумий қиймати 461,4 мил-лиард сўмлик 189 та лойиҳанинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, уларни молиялаштириш учун зарур бўлган 311 миллиард сўм мабла-ғини манбаси аниқланди. Шунга кўра она қўёнларнинг 227 минтага қўпияши ҳисобига умумий қўёнлар сонини 5 миллионга, жумладан, гўшт йўналишида 4,5 миллион бо-шга, тери-гўшт йўналишида 552 минг бошга, момик йўналишида 82 минг бошга етказиш, 1 минг 227 та иш ўрни яратиш бўйича манзилли рўйхат тасдиқланди. Бунинг натижасида республика бўйича йиллик 7,9 минг тонна қўён гўшти, 250 миң дона тери, 14 тонна момик етиштириш қувватлари яратилиб, 18 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинади.



Қайд этилганидек, юқоридегилар-дан келиб чиқиб, ўтган давр мобай-нида республикада саноат усулида қўён етиштиришни ташкил қилиш ва аҳоли хонадонларида қўён боқилиш йўлга қўйиш бўйича салмоқли иш-лар қилинди. Жумладан, банк томо-нидан аҳоли хонадонларида қўён-чиликни ривожлантириш мақсадида республика бўйича 3 минг 91 ми-нозга 238,0 миллиард сўм, шундан 2020 йилда 273 юридик шахсга 133,5 миллиард сўм, 1 минг 437 та жисмоний шахсга 31,8 миллиард сўм ажратилди.

Қўёнчилик соҳасига йўналтирил-ган маблағларнинг 28,6 миллиард сўми 100 миң бошга яқин она қўён-лар сотиб олиш, қолган қисми эса қўёнларни парваришlash, бинолар қуриш ҳамда реконструкция қилиш, қўёнларни сўйиш, гўштини сақлаш ва қадҳоқлаш ускуналари ҳамда озуқа учун тўловлар амалга оширилди. Шунингдек, ўтган йили насли

қўёнларни кўпайтириш мақсадида Россиядан “Хиколь” (Нусоле) зотли 17 миң 200 бош қўён келтирилиб, вилоятлардаги қўёнчилик ҳўжалик-ларига етказиб берилди. Хусусан, Рос-сиянинг гўшт йўналишида сермах-сул зотларни кўпайтириш борасида юқори таҳрибага эга “АгроСпецСер-вис” компанияси ҳамда Фарғона ви-лоятидаги “Водий насли қўёнлари” агрофирмаси ўртасида 5 миң бош-га шартнома имзоланиб, дастлабки 2 100 бош, Тошкент вилоятидаги “ЕСО RABBIT” МЧЖ билан “ВЕСТА” МЧЖ ўртасида 38 миң бошга шартнома имзоланиб, дастлабки 15 миң бош қўён олиб келинди.

Амалга оширилган ишлар нати-жасида республика бўйича барча то-ифада парваришланаётган қўёнлар бош сони ўтган йил бошида 541 мингтани ташкил этган бўлса, 2020 йил давомида улар бош сони икки баробар қўпайиб, 1 млн. 746 миңгага етказилди. Яратилган 2 550 та иш ўрнининг 1 113 таси лойиҳалар, 1 437 таси эса жисмо-ний шахсларга ажратилган кредит-лариде имлий-амалий семинар ўтқа-зиш марказлари ташкил этилиб,

ўшбу соҳага қизиқиш билдирган та-дбиркорлар ҳамда хонадон эгалари-ни босқичма-босқич ўқитиш йўлга қўйилган. Самарқанд вилоятининг Булунгур туманидаги 1-сон касб-хўнар мактаби биносиде эса “Олқар парранда SS” масъулияти чекланган жамияти қошида қўёнчи-лик илмий-амалий мактаби ташкил этилди.

Франциянинг “Хиколь” зотли қўёнларини етказиб берувчи Россия қўёнчилик генетикаси ва селекция-си маркази экспертлари сўзларига кўра, келгусида соҳада йирик лойи-ҳаларни амалга ошириш, қўёнчилик комплексларини барпо қилиш, қўён гўшти етиштириш ҳамда тери хом ашёларини чуқур қайта ишлаш орқали тармоқни янада кенг ривож-лантириш мумкин.

Ўшбу йўналишдаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом этирилимоқ-да. Хусусан, бу йил вилоятлардаги мавҳуд касб-хўнар мактабларида қўёнчилик йўналиши бўйича “симу-ляцион марказлар”ни ташкил этиш, қўёнчилик билан шуғулланиш иста-гини билдирган хонадон эгалари ҳамда тадбиркорларни доимий ўқитиб бориш йўлга қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартдаги “Республика-да 2021 йилда чорвачилик тармоқ-ларини ривожлантириш, наслиқлик ишлари ҳамда ветеринария хизмат-



Реклама ўрнида

тилди. Мижознинг талаби асосида ва баҳарилган ишга қараб пулнинг қолган қисми ҳам босқичма-босқич тўлаб берилади.

Ароқомплексе ишга тушиши натижасида дастлаб 40 та, тўлиқ ишга тушганда 200 га яқин доимий ишчи ўрни яратилди. 50 миң бош насли она қўён ва 3 миң тонна қўён гўшти етиштиришга эришилди. Қўён гўш-тини қайта ишлаш йўлга қўйилиб, қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарига маҳаллий ўғит сифатида етказиб берилади.

Шу билан бирга, қўёнларни кооперация асосида қўпайтириш учун аҳоли, оливалый тадбиркорларнинг қўён, қўён қафаслари, озуқа, ветеринария дори воситаларига эҳтиёжи қондирилиб, бошқа турдаги хизмат-лар кўрсатилди.

Умуман, банк томонидан бугунги кунга қадар қўёнчилик фаолиятини ривожлантиришга жами 3 836 ми-нозга 405,7 миллиард сўм, шундан 398 та юридик шахсга 335,9 мил-лиард сўм, 3 438 нафар жисмоний шахсга 69,7 миллиард сўм кредит ажратилган. Мазкур маблағлар ҳисобиде жорий йилда 754 миңго-га 74,3 миллиард сўм, шундан 33 та юридик шахсга 56,3 миллиард сўм, 721 нафар жисмоний шахсга 17,9 миллиард сўм йўналтирилди.

Ғолиб САНОЕВ, “Микрокредитбанк” АТБ департамент директори. *Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 27 955 нусхада босилди, ҳажми — 2 табақ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тадбириятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайдн ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сазифаланди.

Газетанинг полиграфик ажхатдан сифатли чоп этилишини “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.20 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6